# ХАЛҚ НАЗОРАТЧИЛАРИ — ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИДА

## ХАЛҚ КОНТРОЛИ саҳифаси



Тошкент областидаги Пискент пахта заводи айни кунларда уруғлик пахтани қайта ишлашга киришди. Корхона бу йил 2 минг тоннадан кўпроқ уруғлик чигит тайёрлайди. Ишнинг бир маромда бориши, уруғликнинг сифатли бўлишини таъминлашда халқ назоратчилари яқиндан ёрдам бермоқдалар. Суратда: халқ назоратчиси Рустам Бобоев ва техника назорати бўлими мудири Татьяна Браташова уруғлик чигитни кўздан кечиришмоқда.

В. Сироткин фотоси.

...«Беғамлик ва хотиржамлик, терим ишларини ташкил этишдаги ҳеч бир ўрни бўлмаган сусткашлик ва бамайлихотирлик кўринишларига асло тоқат қилиб бўлмайди. Ҳар қандай сусткашлик ҳосилни хавф остида қолдиради... Мана шуларнинг ҳаммаси зиммамизга далалардаги иш маромини кучайтириш, пахта тайёрлаш суръатларини қатъиян ошириш вазифасини юклайди».

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатномасидан).

ИШИМИЗНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

## ШАРАФЛИ БУРЧ

Ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йилида колхозимиз ажойиб меҳнат ютуқларини қўлга киритмоқда. Хўжалик пахта тайёрлаш йиллик планини 13 октябрдаёқ адо этди. Ҳар гектар ердан пландаги 31,6 ўрнига 38 центнердан хирмон кўтарилди. Ҳосилдорлик ўтган йилдагига нисбатан икки центнерга кўтарилди. Шу кеча-кундузда колхоз пахта тайёрлаш плани 116 процентдан ошиб кетди. Аммо пахтакорларимиз, юзлаб ҳашарчилар республика хирмонига ўз улушларини кўпайтириш учун йиғим-теримни давом эттирмоқдалар. Хўжалигимиз давлатга дон, сабзавот ва полиз маҳсулотлари, мева, пилла сотиш планларини ҳам ортиғи билан бажарди.

Назоратчи — халқ ва жамоат мулки посбони демакдир. У миллионлаб кишиларнинг пешона тери билан яратилган моддий ва маданий бойликларни кўз қорачиғидай асраб-авайлаб сақлашга даъват этилган. Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, иш вақтидан, машина ва механизмлар қувватидан, моддий ресурслардан тўғри ва тежамкорлик билан фойдаланиш ҳамиша унинг назар-эътиборида бўлмоғи керак. Халқ назоратчиси тартиб-қоидани бузувчилар, жамоат мулкига кўз олайтирувчилар, исрофчилар, бракчилар билан сира муроса қилмайди.

Мен бу гапларни бежиз айтаётганим йўқ. Колхозимиз назоратчилари ўз фаолиятларида худди ана шундай қатъий позицияда туриб изчил иш олиб бормоқдалар. Хўжаликнинг барча соҳаларида олиб борилаётган кенг кўламдаги принципиал ишларимиз, шубҳасиз, дуруст натижалар бермоқда. Биз, жумладан, профилактик ишларга ҳам алоҳида аҳамият бериб келмоқдамиз. Камчиликни тузатиш билан бирга хатонинг олдини олишга ҳам интилмоқдамиз. Ҳар бир сигналга эътибор берамиз, текшириш ва рейдлар планга мувофиқ мунтазам олиб борилади. Бинобарин, халқ назоратчилари олдига қўйилаётган талаб ҳам шу. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненко шу йил 5 октябрда халқ контролёрларининг Бутуниттифоқ кенгашида сўзлаган нутқида халқ назоратчилари фаолиятига тўхталиб: «Ҳар қандай текширишни албатта охиригача олиб бориш, аҳвол ўзгармагунча чекинмаслик керак. Демак, халқ контролининг ишида текшириш, камчиликларнинг олдини олиш ва тузатиш бир бутун қилиб бирлаштирилиши лозим», — деб уқтириб ўтган эди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишни истардимки, бу кўрсатмалар бизнинг фаолиятимиз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Биз кенгаш материалларини чуқур ўрганиб, фаолият майдонимизни янада кенгайтириш, халқ контроли бош группаси жанговарлигини бундан ҳам ошириш тадбирларини белгиладик. Ҳозир бош группа таркибида 5 цех, 7 пост мавжуд. Унга 70 дан зиёд назоратчи уюшган. Контролёрларимиз қатъий планга кўра иш тутишиб, колхоз ишлаб чиқаришининг турли соҳаларида 12 марта ялпи текшириш ва 14 марта қўшма рейд ўтказдилар. Бу текширишлар якунлари колхоз партия комитетида, «Комсомол прожектори» ва халқ контроли группаси қўшма йиғилишларида атрофлича муҳокама этилди.

Ўз жанговарлиги, таъсирчанлигини изчиллик билан ошириб бораётган группамиз колхоз партия ташкилотининг ҳақиқий ёрдамчиси бўлиб қолди. Сафимизда иродали, принципиал, билимдон кишилар кўп. Х. Набиев, У. Султонов, Ж. Қўшматов, Т. Сайдаҳмедов каби қатор ходимларимиз қусур ва камчиликларга нисбатан муросасиз назоратчилар сифатида ҳурмат ва эътибор қозонмоқдалар.

Ҳали колхозимиз далаларида ҳосил кўп. Унинг охирги граммларигача териб олиш ҳаммамизнинг бурчимиз. Назоратчиларимиз қимматбаҳо хомашёнинг энг сўнгги мисқолигача йиғиштириб олишни ўз контроллигига олишган. Яқинда барча пахтачилик бригадаларида ялпи текшириш ўтказдик. Аксари бригадаларда иш ғоят пухта ташкил этилганлиги яққол кўриниб турарди. Аммо назоратчиларимиз А. Қўлдошев бригадасида гектар ҳисобига 2 центнердан пахта қолиб кетаётганини аниқладилар. Тўғри, бу бригада ҳозир пландан ошиқча пахта топширяпти. Аммо бундан пахтанинг озгина қисми бўлса-да, нобуд қилинишига йўл қўйиш мумкин деган хулоса келиб чиқмайди. Назоратчилар йўл қўйилган камчиликка шу жойнинг ўзидаёқ қатъиян чек қўйиш чораларини кўрдилар. Мурожаатномага жавобан пахтани чала териш, нобудгарчиликка йўл қўйиш каби фактлар бутунлай барҳам топди.

Халқ контроли группаси аъзолари, шунингдек яқинда техникани қиш мавсумига ҳозирлаш, ёқилғи ҳамда ёғлаш-мойлаш материалларидан қандай фойдаланилаётганини ҳам текширишдан ўтказдилар. Бунда баъзи бир ҳайдов тракторлари ишчи органларидаги қусурлар аниқланиб, уларни дарҳол бартараф этиш чоралари кўрилди.

Халқ контролёрларининг Москвада бўлиб ўтган кенгашида ҳозир мамлакатимизда 10 миллион халк назоратчиси фаолият кўрсатаётгани айтиб ўтилди. Бу — ғоят катта куч Бизнинг колхозимиз контрол группасига уюшган назоратчилар ҳам ана шу улкан армиянинг таркибий қисмидир. Жамоатчилик ишини ҳалол ва виждонан ўтаётган бу матонатли, принципиал кишилар эл-юрт олдидаги ўз бурчларини сидқидилдан адо этаверадилар.

**К. МУЛЛАБОЕВ,**
**Олтиариқ районидаги «Комсомол» колхози халқ контроли группаси раиси.**

НАЗОРАТЧИЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

## МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

Нуъмонжон газетадаги нутқни худди шахсан ўзи ҳақида айтилган гаплардек, бутун вужуди билан берилиб яна қайта-қайта ўқиди. Дарвоқе, гап чиндан ҳам у ҳақда — контролёр ҳақида, унинг юксак гражданлик бурчи, масъулияти ҳақида борарди. «Халқ контролёри» ҳамиша, ҳамма жойда, ҳар қандай вазиятда — курашчидир, — дейилган эди ўртоқ К. У. Черненконинг нутқида. — У доимо толмас курашчи бўлиб қолаверсин».

Теримчилар овқатланиб бўлишлари биланоқ суҳбат бошланди. Нуъмонжон Бутуниттифоқ кенгашида қўйилган вазифалардан гап очди:

— Ўртоқ К. У. Черненко «Ҳар бир, — диққат қилинг, — ҳар бир совет кишиси ўзини халқ контролёри деб билиши, у мана шу юксак гражданлик вазифасига мувофиқ равишда ўйлаши ва иш кўриши керак, — деб таълим беряпти. Демак, бригаданинг ҳар бир аъзоси назоратчидек фаолият кўрсатиши керак. Бундоқ қарасак, ҳар биримизга ҳам иш топилади: планни дўндириб қўйдик деб бепарволикка берилаётганлар борми орамизда? Бор! Чаноғида қолдириб кетаётганлар, ерда тўкилиб ётган «оқ олтин»ни олмай ўтаётганлар топиладими? Топилади! Мана, «Экран»га аниқ-равшан қилиб ёзиб қўйибмиз: агар ҳар туп ғўзанинг биттадан чаноғида пахта қолдирилса, анови икки ярим гектарлик картанинг ўзида 100 килограмм дур-гавҳар йўқотилади. Шунча биринчи сорт пахтадан эса яқин 40 килограмм соф тола, 65—66 килограмм чигит олинадики; уларнинг қийматини олтин билан ўлчаш ҳам озлик қилади. Бугун эрталаб энг мақтовли теримчиларимиздан бири — Ражабхон кўтариб чиққан пахтани текширдим. Ора-сира ҳали пишмаган пахтани ҳам этакка солаверибди. Бу ҳам бориб турган нобудгарчилик! Шундай эмасми, ўртоқлар?

«В. И. Ленин 100 йиллиги» совхози пахта териш ва топшириш бўйича қўриқ Комсомолобод райони хўжаликлари ўртасида мусобақа пешқадамлари сафида боряпти. Совхоз йиллик пахта тайёрлаш социалистик мажбуриятини бажариш арафасида. Хўжаликнинг коммунист Нуъмонжон Омонов меҳнат қилаётган бригадаси янги ўзлаштирилган 50 гектар ернинг ҳар гектаридан 15 центнердан пахта сотиб, йиллик планни СССР Конституцияси кунида бажарди. Пландан ташқари яна 7 центнердан ҳосил топширишга бел боғлаган пахтакорлар далада қолган ҳосилни заргарлардек авайлаб териб олмоқдалар. Бу шарафли, масъулиятли ишда бригада контролёрларининг хизмати катта бўлмоқда. Улар пахта нобудгарчилигининг олдини олишга, «оқ олтин»ни ифлослантиришга йўл қўймасликка, теримчиларнинг унумли меҳнат қила олишлари учун қулай шарт-шароит яратилишига эришмоқдалар.

Совхоз халқ контроли группаси эса мазкур бригада назорат постининг иш тажрибасини кенг оммалаштираётир, Нуъмонжон Омонов, Муродилло Рўзибоев, Раҳматилло Валиевларнинг шахсий меҳнатдаги, назоратчи сифатидаги актив фаолиятларини бошқаларга намуна қилиб кўрсатмоқдалар.

**А. АБДУКАРИМОВ.**

НАЗОРАТ ПОЧТАСИДАН

## ФАОЛИЯТНИ КУЧАЙТИРИБ

● Фарғона область Киров район халқ контроли комитети юбилей йили пахта ҳосилини сўнгги граммларигача нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш, унинг сифатли бўлишини таъминлаш масаласига эътиборни кучайтирди. Колхоз ва совхозларда нобудгарчиликка қарши курашувчи муваққат назорат постлари иш олиб бормоқда. Уларнинг сафларига уюшган юзга яқин халқ мулки посбонлари пахта далалари ва хирмон жойларда ишни уюшқоқлик билан ташкил этиш, йиғиб-терилган ҳосилни муддатида қабул пунктларига элтиб топширишни назорат этишяпти.

**Ҳ. ТОЖИМАТОВ.**

## ТЕЖАМКОРЛИК

● Хива районидаги Фрунзе номли колхознинг Отахон Норбоев етакчилик қилаётган халқ назоратчилари пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказиш, жойларда тартиб-интизомни кучайтириш, ёнилғи-мойлаш материалларидан омилкорлик билан фойдаланиш каби хўжалик фаолиятининг энг муҳим йўналишларини зийраклик билан назорат этмоқдалар. Группа аъзолари шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида 20 марта рейд ва текширишлар ўтказиб, кўпгина камчилик ва нуқсонларнинг бартараф этилишига муносиб ҳисса қўшдилар. Хўжаликда икки ярим минг сўмлик ёнилғи-мойлаш материаллари, икки минг сўмлик эҳтиёт қисмлар, тежаб қолинишига эришилди.

**И. ЭШЖОНОВ.**
**Хоразм области.**

*Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетида*

## ЯЙЛОВЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИЛСИН

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети «Узглавкаракульпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси совхозларида яйловлардан фойдаланиш ва у ерда қурилиш ишларини олиб боришда жиддий камчиликларга йўл қўйилаётганлигини аниқлади. Бирлашмада 1981 йилдан буён топшириқда белгиланган 139 минг гектар ўрнига бор-йўғи 52 минг гектар яйлов маданийлаштирилиб, атрофи ўралди ва фойдаланишга топширилди. Яйлов-мелиорация-қурилиш бирлашмаси томонидан «Узглавкаракульпром» учун ажратилган маблағларнинг 87 проценти ёки 18,3 миллион сўми ўзлаштирилди, холос. Қорақалпоғистон автоном республикаси ва Навоий областининг текшириш ўтказилган бешта хўжалигида турли сабабларга кўра 55 та сув манбаи ишламай қолган.

«Узглавкаракульпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарлари ва унга қарашли ташкилотлар яйловларнинг ҳосилдорлигини ошириш, ундан самарали фойдаланиш ва яхши сақланишини таъминлаш учун зарур чора-тадбирларни амалга оширмаётир. Навоий ва Қашқадарё областларининг текшириш ўтказилган учта хўжалигида яйлов атрофига ўрнатилган тўсиқларнинг анчагина қисми бузилган. Озуқа етиштирувчи совхозларда озуқа экинлари ҳосилдорлиги камайиб бормоқда. Сув манбалари ва ички хўжалик водопроводларидан фойдаланиш, техника хизмати кўрсатиш қониқарсиз ташкил этилган. Бу соҳада, айниқса, Қорақалпоғистон автоном республикаси ва Навоий области қоракўлчилик совхозлари трестларида аҳвол ачинарлидир.

Тахтакўпир, Конимех ва республикамизнинг яна бошқа бир қатор ўрмон хўжаликларида саксовул экиш чоғида агротехника қонун-қоидаларига ҳар доим ҳам риоя этилмаётир. Ана шу масала бўйича тайёрланган ҳисоботларда қилинган ишларни бўрттириб кўрсатиш, молия интизомига хилоф иш тутиш ҳоллари аниқланди.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети текшириш натижаларини кўриб чиқиб, юқоридаги камчилик ва нуқсонларнинг рўй берганлиги учун айбдор бўлган мансабдор кишиларни тегишлича жазолади.

## ХЎЖАСИЗЛИККА ЧЕК ҚЎЙИЛСИН

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетига хат ёзган П. Машченко Тошкент атторлик-косметика фабрикасида давлат интизомини қўпол равишда бузиш, хўжасизлик фактлари содир бўлаётганлиги, давлат мулки талон-торож этилаётгани ҳақида хабар қилган эди. Текшириш чоғида хатда кўрсатилган фактлар асосан тасдиқланди.

Кейинги бир ярим йил мобайнида турлари бўйича пландагидан 18 процент кам, яъни 2560 минг дона атторлик-косметика буюмлари ишлаб чиқарилди. 452 минг сўмлик нойишлаб чиқариш сарф-харажатларига йўл қўйилди. Ундан ташқари текшириш чоғида 37,7 минг сўмлик камёб хом ашёлар етишмаслиги аниқланди. Фабрика раҳбарлари қонунга хилоф равишда 46,4 минг сўмлик моддий буюмларни ҳисобдан чиқариб ташлаганлар.

Корхонада маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системаси номигагина жорий этилган. Айни вақтда кейинги бир ярим йилда 40 минг сўмлик маҳсулотлар брак қилингани учун савдо тармоқларидан қайтариб келинган.

Халқ назоратчилари фабрика директори З. Виноградова ва бош инженери Б. Полишчук давлат интизомига риоя қилмаслик, хўжасизлик, социалистик мулкни талон-торож этиш фактларини бартараф этишга монелик қилганликларини, ҳатто баъзан ўзларининг ноўрин ҳатти-ҳаракатлари ва принципсизликлари билан айбдор кишиларни жавобгарликдан олиб қолганликларини аниқладилар.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети Тошкент атторлик-косметика фабрикаси директори З. Виноградова ҳамда бош инженери Б. Полишчукка қаттиқ хайфсан эълон қилди. Бутуниттифоқ «Союзпарфюмерияпром» саноат бирлашмаси бошлиғининг ўринбосари В. Огурцовнинг маҳсулотларни қонунга хилоф равишда ҳисобдан чиқариш, камомадларнинг юз бериши ва айрим мансабдор кишиларнинг ўз хизмат вазифаларида давлатга зарар келтирганликлари ҳақидаги материаллар тегишли органларга юборилганлиги ҳақидаги ахбороти инобатга олинди.

## АКТИВ ЙИҒИЛИШИ

Шу кунларда бутун мамлакатимизда бўлгани каби республикамизда ҳам халқ контроли органлари активи йиғилишлари ўтмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг халқ контролёрларининг Бутуниттифоқ кенгашида сўзлаган нутқида баён этилган қоида ва хулосалардан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинаётир. «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида ана шундай йиғилиш бўлиб ўтди. Корхона цех ва ишлаб чиқариш участкаларида жамоатчилик асосида иш олиб бораётган халқ контроли комитетининг 35 группаси актив фаолият кўрсатмоқда.

Бирлашма халқ контроли комитети раиси О. Маркелов докладида, йиғилиш қатнашчиларининг сўзларида халқ назоратчиларининг асосий эътибори юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш билан боғлиқ энг муҳим масалаларга қаратилганлиги таъкидланди. Шу йили ўтказилган текширишлар 489 минг киловатт-соат электр, 249 гигакалорий иссиқлик энергияси, 326 тонна шартли ёқилғи, 1458 тонна металл прокати тежаб қолиш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга ёрдам берди.

Бирлашма халқ назоратчилари ўз олдиларига қўйилган вазифаларни муваффақиятли адо этиш учун барча имкониятларни ишга солиш, давлат планлари ва топшириқларини бажариш, тартиб ва интизомни мустаҳкамлашда партия ташкилоти, меҳнат коллективларига самарали ёрдам кўрсатишга қарор берганликларини билдирдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетининг раиси В. А. Ҳайдуров нутқ сўзлади.

## РАССОМ ХАНДАСИ

### ГАП КЎПУ, ИШ ОЗ




**Сигир: Фақат машинада соғдираман!**

Боғот район ишлаб чиқариш бошқармасидаги ўртоқлардан чорвачиликдаги иш жараёнларини механизациялашга қандай эътибор берилаётгани ҳақида сўрасангиз борми, лаблари-лабларига тегмай гапириб кетишади. Бу ҳақда қўша-қўша қарорлар қабул қилингани, тадбирлар белгиланиб, амалга оширилаётгани, актив иш олиб борилаётгани ҳақида қат-қат қоғозлар тахламини олдингизга келтириб ташлашади.

Аммо иш билан чуқурроқ танишганингиз сари районда бу соҳада иш каму, гап кўп эканлигининг гувоҳи бўласиз. Район хўжаликларида оғир иш жараёнларини механизмлар зиммасига юклаш эътибор марказида эмас. Ўрнатилган механизмларнинг бир қисми ишлатилмаётган бўлса, бир қисмидан самарасиз фойдаланилмоқда. «Госкомсельхозтехника» район бирлашмасининг ана шу ишга мутасадди этилган техника хизмати кўрсатиш станцияси мавжуд ускуна ва механизмларнинг тўхтовсиз ишлашини йўлга қўйиш ўрнига қурилиш ва монтажлаш ишлари билан кўпроқ шуғулланмоқда. Районда озуқа бериш, маҳаллий ўғитни чиқариб ташлаш ва сут соғиш бўйича белгиланган топшириқлар барбод берилди. Сут соғиш агрегатларининг мавжуд қувватидан бор-йўғи 48 процент фойдаланилаётганига нима дейсиз? Киров номли ва Димитров номли совхозларда ўрнатилган тўртта сут соғиш агрегатидан учтаси ишлатилмаётир.

«Госкомсельхозтехника» район бирлашмасининг бош инженери Н. Маткаримов ва бош бухгалтери Д. Тақажоновлар учун бу соҳада кескин бурилиш ясаш, гапдан кўра ишга зўр бериш пайти келмадимикан?

**С. АНОРБОЕВ.**
**Хоразм области.**

### СОҚОВ ТЕЛЕФОНЛАР



**— Мен уч кун ишласам, бир ҳафта дам оляпман-у, нега шунча пул тўлашим керак!!**

— Уйга телефон тушириб беришни сўраб ариза ёзганимизга бир йил бўлаяпти-ю, телефон станциясидан тайинли бир жавоб ололмаймиз.

— Зир югуриб олган телефонингиз кошкийди дурустроқ ишласа. Телефонимиз бир неча ойдирки, дам чиқармайди. Тузатишни сўраб қилган мурожаатларимиздан бирор натижа чиққани йўқ.

Бухоро шаҳри кўчаларида йўловчилардан ана шундай гаплар эшитиб қолсангиз, асло ажабланманг. Шаҳар телефон станцияси раҳбарлари хизмат вазифаларига совуққонлик билан қараётганликлари туфайли станция ишида тартиб-интизом йўқ. Телефон ўрнатишда тегишли қоидалар бузилгани-бузилган. Бўлмаса, айрим савдо ходимлари, маиший хизмат кўрсатиш раҳбарлари, қурилиш ташкилотлари бошлиқларига бенавбат телефон тушириб берилармиди?

Айниқса, телефон ремонти хизмати ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Шу боисдан ҳар куни абонентлардан 250—300 тадан шикоят хати олинмоқда. Тушаётган сўров ва шикоятларнинг аксарият қисмига ҳафталаб, ойлаб жавоб қилинмайди. Аммо телефон ҳақи ундиришда унинг ишлаган-ишламаётганлиги инобатга олинаётгани йўқ.

Шаҳар телефон станцияси бошлиғи Т. Алимов ва бош инженери А. Давроновлар ўз хизмат вазифаларига муносабатни ўзгартириб, шаҳарда телефон хизмати сифатини яхшилаш учун қачон астойдил ишга киришишаркин?

**А. НОРБОЕВ.**
**Бухоро области.**

### ЭЪТИБОРСИЗЛИКНИНГ ОХИРИ БОРМИ?

Самарқанд шаҳар ресторан ва кафелар ҳамда ошхоналар трестлари раҳбарлари умумий овқатланишни ташкил этишга масъулиятсизлик билан муносабатда бўлмоқдалар. Ушбу трестларда текшириш ўтказган халқ мулки посбонлари бу борада қатор камчиликлар мавжуд эканлигини очиб ташладилар. Ошхоналарда ўринлар сонини кўпайтириш топшириқлари бажарилмай келмоқда. Жумладан, мактабларда, олий ўқув юртлари ва саноат корхоналарида ошхоналар ўрни 41—76 процентни ташкил этади, холос. Назоратчилар ўнта ошхонада холодильниклар ўрнатилмаганлиги, 75 ошхонадан 12 тасида идиш-товоқларни ювадиган машиналар йўқ эканлигини кўриб ажабландилар.

Нафсамбирига баъзи ошхоналарда идиш-товоқлар ва ошхона асбоб-ускуналари етишмаяпти. Студентлар ва мактаб ўқувчилари комбинатларида технологик ускуналардан самарасиз фойдаланиляпти. Мавжуд қувватлар тўла-тўкис ишлатилмайди. Ҳар икки трест ошхона, ресторан ва кафеларида совет савдоси қонун-қоидаларига хилоф иш тутиш, таомларнинг паст калорияли бўлиши ҳолларига йўл қўйилмоқда.

Шаҳар ошхоналар, ресторан ва кафелар трестлари раҳбарлари Б. Тиловов ва Д. Абдураҳмоновлар ушбу камчиликларга қачонгача муросасозлик қилишаркин?

**А. СОБИРОВ,**
**Б. ТОҲИРОВ.**
**Самарқанд области.**



**Ҳўрандалар: тезроқ бўлинглар, овқатимиз совиб қоляпти...**

А. Холиқов расмлари.

## ЖОЙЛАРДАН ХАБАРЛАР

### АНДИЖОН

● Олтинкўл, Андижон, Ленин, Марҳамат, Пахтаобод ва Хўжаобод районларида пахта териш техникасини мавсумга ҳозирлаш ишлари учун анчагина маблағ сарфланган эди. Аммо терим агрегатларининг бир қисмидан ишда умуман фойдаланилмади. Машиналар далага олиб чиқилган айрим хўжаликларда эса ҳосилнинг нобуд бўлиши, ҳали пишиб етилмаган пахтани теришга йўл қўйилди. Жумладан, Хўжаобод районидаги «Ленинизм» колхозида машина терими учун 320 гектар ер ажратилиб, машиналар ремонти ва дефолиация учун 6,5 минг сўм сарф этилгани ҳолда агрегатлар бункеридан бирор тонна ҳам пахта тўкилгани йўқ. Умуман, машина ва қўл теримини ташкил этишда шу райондаги «Коммуна» совхози, Жалолқудуқ районидаги Свердлов номли, Пахтаобод районидаги «Правда» совхозлари ва бошқа айрим хўжаликларда нобудгарчиликка йўл қўйилганлиги аниқланди.

Область халқ контроли комитети пахтани машина ва механизмлар ёрдамида теришга масъулиятсизлик билан қараганликлари, «оқ олтин»нинг нобуд бўлишига йўл қўйилганлиги учун Хўжаобод районидаги «Ленинизм» колхози раҳбарларини тегишлича жазолади. Текширилган бошқа хўжаликларнинг раҳбарлари ҳам масъулиятга тортилдилар.

### ФАРҒОНА

● Областда халқ контроли комитетлари, группа ва постлари фаолиятини янада кучайтириш, самарадорлигини оширишда фойдаланилаётган ошкоралик воситалари кўриги бўлиб ўтди. Унда коллективларнинг йиғилишлари, ишлаб чиқариш мажлисларида меҳнаткашларни ўтказилган текшириш ва рейдларнинг натижаларидан хабардор қилиш, турли, сатирик варақалар, «Чақмоқ»лар чиқариш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Фақат шу йилнинг биринчи ярмида йиғилишларда 3300 га яқин текшириш якуни кўпчилик эътиборига ҳавола этилган. Бу муҳокамаларда 4 мингга яқин мансабдор кишининг камчилик ва хатоликларни тузатиш юзасидан олиб борилаётган ишлар, кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақидаги ахборотлари тингланди.

Марғилон шаҳар ва Фрунзе район халқ контроли комитетлари, шунингдек, бирлашма, корхона, ташкилот ва хўжаликлардаги 20 та халқ контроли группаси кўрик ғолиби деб топилди. Ғолиблар эсдалик совғалари билан мукофотландилар.

